*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 32 (9778). • 1990 йил 14 февраль • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

***Бугун газетамизда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси эълон қилинмоқда. Бу лойиҳа КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль Пленумида муҳокама этилиб, Пленум қатнашчиларининг мулоҳазалари ҳисобга олиниб маъқулланган.***

***Партияга, барча совет халқига инсонпарварлик ва демократия принципларига асосланган социализмнинг янги концепцияси муҳокама қилиш учун таклиф этилмоқда.***

КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль Пленуми маъқуллаган лойиҳа

# ИНСОНПАРВАР, ДЕМОКРАТИК СОЦИАЛИЗМ САРИ

## *(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури)*

Партия мамлакатни қайта қуришга даъват қилган пайтдан буён ўтган вақт шу йўлни текшириш ва синаш даври бўлди. Жамиятнинг маънавий ва сиёсий эркинликка чиққанлиги ўтиш даврининг асосий якуни бўлди. Озодлик, демократиялаш ва ошкоралик муҳитида одамлар гражданлик ва миллий қадр-қимматларига эга бўлиб қолдилар, давлат ишларини ўз қўлларига олмоқдалар.

Бепоён мамлакат, қарийб 300 миллион халқ турмушидаги чинакам буюк бурилиш осон ва енгил бўлмаслигини билар эдик.

Ҳа, қайта қуриш давомида бир талай чигалликлар бўлди. Ўн йиллар давомида иқтисодиёт, ижтимоий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида, жамиятнинг маънавий турмушида йиғилиб қолган муаммолар қалқиб юзага чиқди. Бунинг устига муаммоларнинг ўткирлиги, зарур ўзгартишларнинг миқёслари аввалбошда тахмин қилиш мумкин бўлганидан анча каттароқ бўлиб чиқди. Бунга ислоҳотларнинг ўзини амалга ошириш давомида йўл қўйилган хато ва янглишишлар ҳам қўшилди.

Ҳақиқий аҳвол мана шундай. Шу йиллар давомида орттирилган ҳам ижобий, ҳам салбий тажриба комил ишонч билан қуйидагиларни айтиш имконини беради: қайта қуришдан бошқа оқилона йўл йўқ. Бу — гарчи қийин, машаққатли бўлса ҳам, аммо одамларнинг муносабат турмушини таъминлаб бериш, буюк Ватанимизнинг имкониятларини рўёбга чиқариш учун тўғри йўлдир. Модомики шундай экан, бу йўлдан изчиллик билан дадил бораверишш, жамиятимизни орқага қайтариш ёки уни гражданлар мухолифлигига судраш истагида бўлган кишиларга қарши курашиш керак.

Бошланган ўзгартишларнинг суръатлари, ўткир ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этишни жадаллаштириш — ҳозирги энг муҳим масаладир. Биз шундай маррага етиб келдикки, энди аввалги хўжалик юритиш ва бошқариш системаси кўп жиҳатдан иш бермай қўйди, янги механизмлар эса ҳали тўла куч билан ишлай бошлагани йўқ. Мана шу ўтиш ҳолати давомида беқарорлик кўринишлари, бошқарувнинг заифлашуви содир бўлмоқда, одамларнинг онгида беҳаловатлик юзага келмоқда. Агар бу ҳолат чўзилиб кетса, халқ учун таҳликали салбий оқибатларга айланиши мумкин. Бунинг иложи битта — қатъият билан ҳаракат қилиш, белгиланган ислоҳотларни зўр ғайрат билан амалга ошириш керак.

Таклиф этилаётган ҳаракат дастури съездда тасдиқланганидан кейин партиянинг янги Программаси ишлаб чиқилгунча коммунистлар ишининг принципиал асоси, ўтиш даври шароитидаги сиёсий йўл-йўриқлар системаси бўлиб қолади, деб мўлжалланган.

## I. Қайта қуришнинг моҳияти нима, нималардан қатъиян воз кечиш ва партиянинг ғоявий-сиёсий тажрибасида нималарни сақлаб қолиш керак

Биз аввало, социалистик принципларга мувофиқ келмайдиган авторитар-бюрократик системадан воз кечамиз. Бизнинг олий мақсадимиз — инсоний, демократик социализмдир.

Революцион ўзгартишлар йўлига кирар эканмиз, шу мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракатимизга халақит берадиган ўтмиш кишанларини абадул-абад улоқтириб ташлашимиз зарур.

Маркс, Энгельс, Лениннинг материалистик дунёқараши ва диалектик методологияси ижодий руҳига садоқатни тасдиқлаб, унга амал қилиб, биз мафкуравий занжирларни, ақидапарастликни ҳамда бошқача фикрлар ва ғояларга тоқат қилмасликни қатъиян улоқтириб ташлаймиз.

Биз ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг позицияларида қолаверамиз ва шу билан бирга умумхалқ ва умуминсоният қадриятларига қарама-қарши қўйиладиган жўн синфий ёндашувдан воз кечамиз.

Биз ижтимоий турмушнинг ёппасига давлат қўлига олинганидан, ўзбошимчаликка ва қонунсизликка олиб борган, ҳокимиятни жазосиз суиистеъмол қилиш ва номуносиб имтиёзлардан фойдаланиш имконини берган ҳамма тартиблардан воз кечамиз.

Социалистик мулкчиликка ибтидоий қарашдан ва товар-пул муносабатларини писанд қилмасликдан, инсоннинг бегоналашувини келтириб чиқарувчи, унинг ўз имкониятлари ва табиий қобилиятларини рўёбга чиқаришга имкон бермайдиган бошқариш ва хўжалик юритишнинг ҳар қандай шакллари ва усулларидан воз кечамиз.

Табиатга тўхтовсиз эксплуатация қилиш объекти деб қарашдан иборат бўлган ва дастлабки индустрлаштириш давридан сарқит бўлиб қолган муносабатни рад этамиз.

Халқларнинг маданий-тарихий қадриятларига, мамлакатнинг орттирилган ақлий сармоясига ҳурматсизликни қоралаймиз.

Меҳнаткашларнинг бошқа партияларига, шу жумладан мамлакатлар ва халқларнинг илғор тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётган социал-демократик партияларга нисбатан салбий ақидапарастликдан иборат сийқа фикрларни рад этамиз.

Биз мамлакатларнинг объектив равишда кучайиб бораётган ўзаро боғлиқлиги ҳамда танлаш эркинлигини сақлаб қоладиган турли жамиятлар ўзаро алоқа қиладиган яхлит дунёсининг қарор топиши янги даврнинг туб белгиси эканлигига асосланиб иш тутамиз.

КПСС ўтмишимиздаги сталинчилик келтириб чиқарган, социалистик қоидалар оёқости қилинишининг оқибати бўлган ҳамда партия билан халқнинг ўз мамлакати ва бутун инсоният тараққиётига реал ҳиссаси тимсоли бўлган нарсаларни бир-биридан аниқ фарқ қилишни принципиал жиҳатдан муҳим, деб ҳисоблайди.

Ўтмишни кўкларга кўтариб мақташ, тарихимизнинг фожиали жиҳатлари тўғрисидаги тўла ва аччиқ ҳақиқатни билишни истамаслик ҳам, тарихий меросимиздаги чинакамига буюк ва қимматли бўлган ҳамма нарсаларни йўққа чиқариш йўлидаги уринишлар ҳам бир хилда хатарлидир. Совет кишилари меҳнати ва курашининг узвий алоқасини узиш ярамайди.

Олий мақсадсиз социалистик тараққиётга эришиб бўлмайди. Одамлар ўз тарихини унутса ёки менсимай қўйса, олий мақсад ўз навбатида амалий заминдан маҳрум бўлади. Бизнинг шароитимизда халқ сиҳат-саломатлиги ва ҳаётий қобилиятининг белгилари бўлмиш тарихий онг, Ватанга муҳаббат, ватанпарварликни байналмилалчиликсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳатто биздан бир неча ўн йил кейинги келажак қиёфасини аниқ-равшан, батафсил тасвирлаб бўлмайди. Бир нарса равшан: бу келажак демократия шароитида, қудратли маданий ва илмий-техникавий тараққиёт негизида вужудга келадиган, мамлакатимиз халқларининг ва бутун башариятнинг инсонпарварлик қадриятларига асосланадиган бошқача жамият бўлади. Цивилизация билан табиатнинг яхлитлигини англайдиган, инсон — тарихнинг асл мақсадига айланган жамият бўлади. Келгуси ижтимоий ташкилотнинг бу белгилари халқларнинг ижтимоий озодлик йўлидаги меҳнати ва курашида мужассамлашган илк социалистик ғоянинг моҳиятини ифодалайди.

Социалистик йўлга ва Октябрь ғояларига садоқат биз учун ўзгармасдир: ҳокимият — Советларга, фабрикалар — ишчиларга, ер — деҳқонларга берилсин, халқларга тинчлик, миллатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилсин. Кекса авлодларнинг маънавий кучи ва жасорати, уларнинг Ватан бахт-саодати йўлидаги фидокорлиги, уларнинг бениҳоя шафқатсиз синовлар даврида берган қурбонлари порлоқ хотираси бизга ҳамдам бўлади.

Ижтимоий адолат ғояси бизга ҳамдамдир. Бу ғоя ўн миллионлаб кишиларни тарихий забунликдан кўтарди ва уларни давлатимизни жаҳондаги қудратли давлатга айлантирган ишларга руҳлантирди. Советлар мамлакати инсониятни фашизм қуллигидан халос этишда ҳал қилувчи роль ўйнади, кўпгина халқларнинг миллий озодлик йўлидаги курашида уларга мадад берди, жаҳон фани, техникаси, маданиятига беназир, ноёб ҳисса қўшди.

Меҳнат қилиш, пенсия билан таъминланиш, бепул илм олиш ва соғлиқни сақлаш, Советлар диёрида биринчи бор юзага чиққан бошқа ижтимоий неъматлардан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи ҳар қандай маърифатли жамиятнинг мулки бўлиб қолди. Буни унутиш — ҳақиқатга, социалистик олий мақсадга жўшқин интилишда улуғвор қаҳрамонлик ва фидойилик қилган кишиларга ҳурматсизлик бўлур эди.

Қайта қуриш тафаккури ва ахлоқининг таянч нуқталари мана шулардан иборат.

## II. Инсон — партия сиёсатининг марказида

Инсонни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш, унга муносиб турмуш ва меҳнат шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама камол топиши ва маънавий жиҳатдан юксалиши имкониятини таъминлашни партия ўзининг асосий мақсади деб билади. Жамият тараққиёти айни шу жиҳатлар билан белгилаб берилиши керак.

**КПСС гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилинишининг ҳуқуқий кафолатлари** тезроқ вужудга келтирилиши тарафдоридир. Шахсий эркинликни энг асосий ҳаётий қадрият деб тан олиш ва гражданларнинг ҳуқуқлари бутун мажмуини таъминлаш сари кескин бурилиш қилиш — қайта қуришнинг энг муҳим ғалабасидир. Эндиликда ана шу ҳуқуқларни мустаҳкамлаш, уларни пухта моддий, ҳуқуқий ва сиёсий пойдеворга кўчириш зарур.

Партия қуйидагиларни ҳимоя қилаверади:

— **гражданнинг шахси ва қадр-қиммати** қонун билан ишончли ҳимоя қилинишини, унинг уй-жойи ва мол-мулки дахлсизлигини, ёзишмалар ва телефон орқали гаплашишнинг сирлигини;

— **меҳнат қилиш ҳуқуқи**, жумладан меҳнатнинг миқдори ва сифатига, унинг пировард натижасига мувофиқ равишда ҳақ тўлашни таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлаш; иш билан банд бўлишни, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни сақлаб туриш воситаларини вужудга келтириш, касбини ёки иш жойини ўзгартиришга мажбур бўлган кишиларга зарур моддий мадад бериш;

— **гражданларнинг сиёсий ҳуқуқларини**: жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишларини, сўз, матбуот, митинглар ва намойишлар ўтказиш, жамоат ташкилотларига бирлашиш эркинлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш. Бунда ҳуқуқ-тартиботга, совет қонунлари талабларига қатъий риоя этилиши керак;

— **ижод қилиш эркинлиги** ва истеъдодга миллий қадрият деб муносабатда бўлиш. Партия маданият соҳасида хилма-хилликни бутун чоралар билан рағбатлантириб, шу билан бир вақтда инсонпарварлик мезонларини ҳимоя қилади, жамиятни сохта маданиятдан муҳофаза этади. Маданиятга фойда олиш мақсадларини кўзлаб ёндашиш социализм учун мақбул эмас;

— инсоннинг маънавий соҳада ўз ўрнини эркин белгилаб олиши, **виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги**. Партия ўзининг дунёқараш позицияларидан воз кечмаган ҳолда атеистлар ва динга ишонувчилар ўртасидаги мулоқотни чуқурлаштираверади, барча динлар одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ўз ҳиссасини қўшиб, қонунлар доирасида эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўладиган йўлни ўтказаверади;

— гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда **суднинг** ролини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғулланувчи жамоатчилик-давлат комиссияларини тузиш.

КПСС матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги, виждон эркинлиги ҳамда диний бирлашмалар ҳақидаги, гражданларнинг ижтимоий уюшмалари тўғрисидаги, СССРдан чиқиб кетиш ва СССРга келиш тартиби ҳақидаги, СССР гражданлиги тўғрисидаги, СССР халқларининг тиллари ҳақидаги **қонунлар** ҳамда гражданларнинг сиёсий ва шахсий ҳуқуқларини таъминлаши лозим бўлган бошқа қонун ҳужжатлари тез вақт ичида қабул қилинишига жуда катта аҳамият беради.

Партия **совет кишиларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари** мустаҳкамланиши ва ривожланишига, уларнинг фаровонлиги ошиб боришига эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилаверади. Партия ўзининг бу соҳадаги куч-ғайратларини қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратади:

— аҳолининг кўпайишини ва одамларнинг кўчишини тартибга солишни таъминлайдиган умумдавлат **нуфус сиёсатини** ишлаб чиқиш ва уни қонун билан тасдиқлаш;

— КПСС XXVII съезди олға сурган ва 2000 йилгача ҳар бир совет оиласини алоҳида квартира ёки шахсий уй билан таъминлаш мақсадини қўйган **уй-жой программасини** амалга ошириш. Бу эса давлат, корхоналар, кооперативлар маблағлари, аҳолининг жамғармалари, имтиёзли қарзлар ҳисобидан уй-жой қурилиши суръатларини ошириш ва сифатини анча яхшилашни; квартираларнинг тақсимланиши устидан жамоат назоратини кучайтиришни шаҳарлар ва қишлоқларни комплекс ривожлантиришни, уларнинг меъморчилиги инсон манфаатларига бўйсундирилишини талаб қилади;

— соғлиқни сақлашга маблағ ажратишни анча кўпайтириш ҳамда корхоналар, тармоқлар, республикалар, маҳаллий Советлар ресурсларини ана шу мақсадга мумкин қадар тўлароқ сафарбар этиб **медицина хизматини** такомиллаштириш йўли билан сиҳат-саломатликнинг муҳофаза қилиниши ҳуқуқини таъминлаш;

— **яшаш табиий муҳитини** сақлаб қолиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш кафолатларини кучайтириш; мамлакатнинг, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг узоқ муддатга мўлжалланган давлат экология программаларини, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш; табиатни муҳофаза қилиш ишлари билан шуғулланувчи идоралар тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш;

— **таълим, маориф ва маданиятнинг** барча соҳаларини ривожлантириш, ана шу мақсадга маблағ сарфлашни кўпайтириш; мутахассисларга таълим бериш ва уларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш; ўқитувчининг обрўсини ошириш; ғоялар ва истеъдодлар беллашувини рағбатлантириш, маънавий соҳадаги маъмуриятчиликни ҳамда гуруҳлар манфаатлари устунлигини бартараф этиш; маданий ва маънавий меросни, тарихий обидаларни авайлаб асраш; маориф ва маданиятни ривожлантириш манфаатлари йўлидаги турли жамоат ташаббусларини ва хайрияларни қўллаб-қувватлаш; чет мамлакатлар билан маънавий қадриятларни кенг ва эркин айирбошлаш.

Қайта қуриш стратегияси жамиятимизнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишда қудратли омил бўлган **фаннинг ролини ҳамда фан натижаларини ўзлаштиришнинг ролини** чуқур тушуниб етишга асосланган мамлакатнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш ва бу имкониятлардан фойдаланиш мустаҳкам қонуний негизга таяниши лозим. Интеллектуал мулкни самарали муҳофаза қилишни таъминлаш муҳимдир. Партия олий ўқув юртлари, академия ва тармоқ илмий муассасалари мустақил ва уларнинг тузилиши хилма-хил бўлиши тарафдоридир.

**Аҳолининг биринчи навбатда ёрдамга ва жамият мададига муҳтож бўлган ижтимоий табақалари ва гуруҳлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш** КПССнинг иқтисодий сиёсатида алоҳида ўрин тутади.

КПСС қуйидагиларни амалга ошириш учун курашаверади.

— **хотин-қизларнинг** меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга доир катта тадбирларни амалга ошириш, жумладан уларга қисқартирилган иш куни, ўзларига қулай график асосида ишлаш ҳуқуқини бериш, ҳомиладорлик отпускаси даврини ва болага қараш учун бериладиган отпуска даврини, кўп болали ва ёлғиз оналарга корхоналар ҳисобидан ҳақ тўланадиган отпуска даврини кўпайтириш; отпуска ва даволаниш учун пул дотациялари берилишини белгилаб қўйиш; хотин-қизлар учун сифатли моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни устун даражада ривожлантириш; уларни оғир ва саломатлик учун зарарли ишлардан озод қилиб қўйиш. Партия сиёсий ислоҳот доирасида хотин-қизлар раҳбарлик ишларига тағин ҳам кенгроқ жалб этилишига эришаверади;

— **болалар тўғрисидаги** ғамхўрликни қатъиян яхшилаш, болалар муассасалари қурилиш ва уларнинг иши сифатини яхшилашга, болалар учун товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга маблағ ажратишни кўпайтириш; болалар ўлимини камайтириш чораларини сира кечиктирмай амалга ошириш;

— ёшларга доир самарали сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, **ёш авлоднинг** қобилиятларини рўёбга чиқариш ҳамда эҳтиёжларини қондириш учун кенг имкониятлар яратиш, жамиятнинг сиёсий, хўжалик ва маданий турмушида ёш авлод тенг ҳуқуқли асосда иштирок этишига кўмаклашиш; ёшлар ҳаракатини, комсомолни, студентлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни янгиланиш, уларнинг ташаббусларини, тобора кучайиб бораётган мустақилликка интилишларини қўллаб-қувватлаш;

— **ногиронлар, уруш ва меҳнат ветеранлари** аҳволини яхшилаш; СССР гражданларининг пенсия таъминоти тўғрисида янги қонунни қабул қилиш ҳамда яқин беш йилликда барча ногиронлар ҳамда уруш ва меҳнат ветеранларини, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини алоҳида квартира билан таъминлашга доир махсус программани ишлаб чиқиш; ветеранлар ва ногиронларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда уларнинг ўзига хос эҳтиёжларига мўлжалланган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорларни бажариш; нарх-навонинг кўтарилишига қараб пенсиялар ва нафақаларни ошириб бориш; пенсия миқдоридан қатъи назар иш ҳақини тўла олиш ҳуқуқини бериш.

**Гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари уларнинг гражданлик бурчлари билан узвий боғлиқлигига** коммунистлар аминдирлар. Партия жамиятда меҳнатга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга ҳурмат, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга тайёр туришни қарор топтириш, ҳалоллик ва номуслилик, эзгулик ва меҳр-шафқат, ўзини ахлоқий назорат қилиб бориш ва виждонлилик, инсон қадр-қиммати ва ўз йўлини танлаб олиш эркинлиги каби умумбашарий қадриятларнинг ҳуқуқий ва маънавий кафолатларини вужудга келтириш йўлида қатъият билан ишлайверади.

**КПСС ҳар қандай ғайриқонуний афзалликлар ва имтиёзларга қаршидир**, бу ишда тўла ошкоралик тарафдоридир. Коммунист деган ном ёки раҳбарнинг лавозими неъматлардан фойдаланишда ҳеч қандай имтиёз бермайди. Хизмат мавқеини суиистеъмол қилишни таг-томири билан тугатиш лозим.

## III. Самарали планли-бозор иқтисодиёти учун

Партия мамлакатдаги иқтисодий вазиятни соғломлаштириш мақсадида барча даражалардаги қонун чиқарувчи ва ижроия органлари самарали ишини йўлга қўйишни сира пайсалга солиб бўлмайдиган вазифа деб билади. КПСС Министрлар Совети ишлаб чиққан ва СССР халқ депутатлари Съезди маъқуллаган истеъмол бозорини барқарорлаштириш ва аввало мавжуд пул ва уни мол билан таъминлаш ўртасидаги узилишни бартараф этиш тадбирлари системасини амалга оширишга ёрдам беради. Кўрилаётган тадбирлар аниқ-равшан ижтимоий йўналишда бўлиши, биринчи навбатда аҳолининг кам ҳақ олаётган табақалари иқтисодий аҳволини яхшилаши зарур.

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ниҳоятда ўткир муаммо бўлиб турибди. КПСС гўшт, сут, сабзавот, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни жадал ўстириш манфаатларини назарда тутиб экономика аграр секторини устун ривожлантириш тарафдоридир.

Ерда хўжалик юритишнинг барча шаклларини ривожлантириш озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг негизи бўлиши керак, давлат, кооператив хўжаликлар ва якка хўжаликлар, хўжалик юритишнинг турли шакллари — пудрат, ижара, оила шакллари ва бошқа шакллар бир хил имкониятларга эга бўлиши керак. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг, маҳсулотни қайта ишлаш ва асрашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бу маҳсулотнинг даладан пештахтага келгунича нес-нобуд бўлишини камайтириш энг муҳим йўналиш бўлиб қолаверади.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасида ижтимоий мувозанатни вужудга келтириш — қайта қуришнинг принципиал вазифаларидан биридир. Қишлоқ аҳолисини шинам уй-жой билан таъминлаш, замонавий турмушни йўлга қўйиш, йўллар қуриш учун қисқа муддат ичида янги имкониятлар барпо этилиши керак.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бундан буён ҳам диққат марказимизда бўлади. КПСС бозорни тўлдиришда силжишга эришишга имкон берадиган тадбирлар мажмуасини амалга оширишга ёрдам бераверади.

Партия молияни соғломлаштиришга қаратилган самарали сиёсат, шу жумладан омонат кассаларга жамғарма қўйишни бериладиган фойдани кўпайтириш йўли билан рағбатлантириш, суғурта ишларини ривожлантириш, фойдали шартларда давлат заёмлари облигацияларини тарқатиш, уй-жойни сотиш, келажакда узоқ вақт фойдаланиладиган буюмларни сотиб олиш эвазига аҳолининг аванс тўловлари, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишга оид тадбирларни ўтказиш тарафдоридир. Янада мукаммал иқтисодий воситалар ва нормативлар талаб этиладики, булар асосланмаган даромадларнинг пайдо бўлишига, тегишли мол билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чиқишига ҳалал бериши керак.

КПСС ҳозирги ва келгусидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишни **туб иқтисодий ислоҳот** билан чамбарчас боғлиқдир, деб ҳисоблайди, шу ислоҳот туфайли монополизм ва ташаббуссизлик, беҳуда сарф-харажат ва хўжасизлик, истеъмолчиларнинг манфаатини унутиш хос бўлган буйруқ билан тақсимлаш системаси ўрнига мулкнинг турли-туман шакллари, молларни мустақил тайёрловчиларнинг мусобақасига, молиянинг ривожланган системасига, шахсий ва коллектив манфаатдорликнинг қудратли омилига асосланган планли-бозор экономикаси келиши керак.

Иқтисодий ислоҳотнинг йўли биз илгари ўйлаганга нисбатан анча машаққатли бўлиб чиқди. Аммо биз хўжалик юритишнинг мамлакатни турғунликка, жаҳондаги ривожланган мамлакатлардан орқада қолишга олиб келган, ўзини бадном этган шаклларига қайтишга йўл қўймасликка қатъий азму қарор қилганмиз.

**Мулкчилик** муносабатларини тубдан қайта қурмасак, иқтисодий ислоҳот рўёбга чиқмайди. КПСС мулк шаклларининг хилма-хиллиги тарафдоридир. Шу шаклларнинг тенг ҳуқуқли, соғлом рақобати — гражданлар эрки, ходимлар ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш шакл ва усулларини ҳақиқатда танлаб олишининг иқтисодий асоси, истеъмолчилар манфаатлари ва ҳуқуқларининг кафолатидир.

Давлат мулкини ишлаб чиқариш миқёслари регионларнинг ўзига хос жиҳатлари, интеграция алоқаларининг ривожланганини ҳисобга олиб, ижара, тўла хўжалик ҳисоби, пудрат негизида, акционерлик шакллари ва бошқа замонавий шакллар асосида меҳнаткашларнинг ўзлари демократик йўсинда бошқарадиган мулкка айлантириш муҳим вазифадир.

Партия соғлом негизда кооператив ҳаракатни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам бериш, ишлаб чиқариш кооперациясини, жумладан колхозларни мустаҳкамлаш, меҳнат коллективи мулкчилиги турли шакллари, шу жумладан улушбай, бадалли, акционерлик шаклидаги мулкчилик фаолият майдонини кенгайтириш тарафдоридир.

КПСС якка тартибдаги меҳнат мулкчилиги, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларига якка тартибдаги меҳнат мулкчилиги мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичига зид эмас, деб ҳисоблайди.

Мулкнинг турли шаклларидан фойдаланиш ходимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштиришни ва кишининг-киши томонидан эксплуатация қилинишини истисно этиши керак.

Хўжалик фаолиятини тартибга солишнинг **планли ва бозор усулларини** узвий тарзда бирга қўшиб олиб бориш йўлини топиш иқтисодий ислоҳотнинг энг мураккаб муаммосидир.

Замонавий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига марказлаштирилган йўсинда планли таъсир этиш бўлмаса, ана шундай ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳам бўлмайди. Хўжалик юритишнинг ана шу ўз моҳияти жиҳатидан социалистик принципи кўпгина мамлакатларда татбиқ этилди. Аммо ана шундай таъсирнинг аниқ мезони ва усулларини белгилаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўтмишда ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг бутун жараёнини план билан қамраб олишга ҳаракат қилган эдилар, эндиликда бундан фарқли тарзда шундай тартиб ўрнатиш керакки, экономикага планли, марказлаштирилган раҳбарлик асосан нарх, солиқ, процент, кредит, тўловлар ва бошқа шу сингарилар орқали амалга оширилсин ва бундай раҳбарлик соҳаси стратегик вазифаларни ҳал этиш билан қатъий белгилаб қўйилиши лозим. Бу, аввало, йирик илмий-техникавий ва структура программаларини амалга ошириш, инфраструктурани ривожлантириш, инсон яшайдиган муҳитни муҳофаза этиш ва ресурсларни тиклаш учун ўтказиладиган комплекс тадбирлар, солиқ ва кредит-молия сиёсати, пул муомаласи барқарорлигини таъминлашдир. Одамларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этилишига алоқадор масалалар ҳам марказлаштирилган йўсинда тартибга солинишини тақозо этади.

КПСС шунга асосланадики, мамлакатга тўлақонли ва тартибга солиб туриладиган ягона Иттифоқ бозори зарур, бу бозор ишлаб чиқариш имкониятлари ва эҳтиёжлари мувозанатини, тўловга қодир талаб ва таклифнинг барқарор мувозанатини таъминлаш ва сақлаб туришнинг ҳамиша ишлаб турадиган механизми бўлиши лозим. Бу совет иқтисодиётини жаҳон хўжалик алоқаларига жалб этиш, сўмнинг эркин муомалада бўлишига ўтишнинг шарти ҳамдир.

Тўкис бозор хўжалигини ташкил этиш учун истеъмол моллари, ишлаб чиқариш воситалари, қимматбаҳо қоғозлар, инвестициялар, валюталар, илмий ечимларнинг бозорини вужудга келтириш, молия, пул, кредит системалари ислоҳотини жадаллаштириш керак.

**Нарх белгилашни қайта қуриш** — иқтисодиётни бозор йўли билан тартибга солишни жорий этишнинг зарур шартидир. Нарх даражалари ва нисбатликларини сунъий тарзда яратиш, баъзилар учун самарасиз дотациялар бериш ва бошқаларни хонавайрон қилиб маблағларни олиб қўйиш юки хўжалик юритиш учун сохта йўналиш беради, хўжалик юритишнинг самарадорлигига баҳо беришни чалкаштиради, илмий-техникавий қолоқлик ўзгармай қолаверади, халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан фойдаланишга халал беради.

Чет эл фирмаларини ҳам истисно этмаган ҳолда, мол ишлаб чиқарувчиларнинг рақобати нарх кўтарилишини тартибга солиб турадиган ва тўхтатадиган муҳим омил бўлиши керак. Бунинг учун ишлаб чиқариш, савдо, кредит хизмати ва суғурта ишига монополияни қонун йўли билан тугатиш керак.

Партия **иқтисодиётни структура жиҳатидан истеъмол сектори фойдасига қайта қуриш**, самарали ва кўп маблағ талаб қиладиган ишлаб чиқаришларни қисқартириш чораларини кўриш, куч ва маблағларни мавжуд корхоналарни реконструкция қилишга жамлаш тарафдоридир. Табиатдан оқилона фойдаланиш, ресурсларни тежаш, хом ашё ва материалларни, меҳнат сарфини тежаш программаларини амалга оширишга, хўжасизликка қарши курашга диққат-эътиборни кучайтириш керак. Структура жиҳатдан қайта қуриш жараёнига экономиканинг мудофаа тармоқлари конверсияси узвий тарзда қўшилиши керак;

**(Давоми иккинчи бетда).**

# ИНСОНПАРВАР, ДЕМОКРАТИК СОЦИАЛИЗМ САРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

шу тармоқларнинг юксак малака ва илмий-техникавий потенциалига таяниб ишлаб чиқаришнинг замонавий воситалари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш мумкин. Айни вақтда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун ресурслар бўлишини назарда тутиш керак, шундай қилинмаса иқтисодий тараққиёт муқаррар тўхтаб қолади.

Партия иқтисодий, экологик ва ижтимоий самарадорликни ҳисобга олиб, **фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга,** унинг ютуқларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига тезроқ жорий этишга қаратилган куч-ғайратларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Фундаментал ва амалий тадқиқотларни, уларнинг қудратли равнақ топиши учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминлаш давлатнинг муҳим юмушидир. Илм-фанни ташкил этиш ва билимларни оммалаштиришнинг турли шаклларига кенг майдон очиб бериш зарур.

**Табиатни муҳофаза этиш — одамни муҳофаза этиш демакдир.** XX асрнинг охирида табиатни қутқариб қолиш, Ер юзида ҳаётни асраб қолишнинг муқаррар шартларидан бирига айланди. Биз мамлакатимизда жаҳон стандартларини жорий этишимиз, халқаро экологик ҳамкорликда фаол иштирок этишимиз зарур. Табиатни муҳофаза этиш тадбирларини писанд қилмай, мамлакатни саноатлаштиришнинг барқ уриб ўсиши экологик фалокатнинг жуда оғир ўчоқлари пайдо бўлишига олиб келди. Аҳволни ўнглаб олиш учун шошилинч чоралар ва катта маблағлар зарур. Партия янги корхоналарни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда қатъий илмий экспертиза ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш тартибини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш зарур деб ҳисоблайди.

Шу билан бир қаторда мамлакат учун ҳаётий зарур бўлган ва буларсиз одамларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш мумкин бўлмай қоладиган корхоналарни ёпиш тўғрисида талаблар қўйиб саросимага тушиш ҳам номақбулдир. Замонавий илмий-техникавий тараққиёт ва саноат тараққиётисиз, буларга зид тарзда экологик муаммоларни ҳам ҳал этиб бўлмайди, табиатни асраб бўлмайди.

Мамлакатнинг **халқаро меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперациясидаги** иштирокини кенгайтириш иқтисодиётни самарали ривожлантиришнинг сўзсиз шартидир. Совет моллари ва хизматларининг рақобатга қобилиятини ошириш, корхоналарнинг ташқи иқтисодий мустақиллиги, жумладан, валюта мустақиллигини изчиллик билан мустаҳкамлаш, экспортнинг хом ашё йўналишига барҳам бериш, импорт структурасини қайта қуриш — бунинг ишончли йўлидир.

КПСС ана шу тилга олинган барча тадбирларнинг амалга оширилиши тарафдори бўлиш билан бир қаторда меҳнат аҳли манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилаверади. Яширин экономика, порага сотилган унсурлар, чайқовчилар, монополияга янги даъвогарлар йўлига ишончли ҳуқуқий ғов ўрнатиш учун курашаверади.

## IV. Кенг кўламдаги социалистик демократия ва халқнинг ўзини ўзи бошқариши сари

**Демократиялаш — қайта қуришнинг мақсади ва воситасидир.** Бутун янгиланиш жараёни муваффақиятга эришишнинг ғоят муҳим шарти ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг кафолати ҳуқуқий давлатни ҳамда ўзини ўзи бошқарувчи социалистик жамиятни шакллантиришдан иборатдир.

Партиянинг сиёсати бирдан-бир ҳокимият манбаи бўлган халқнинг суверен иродасини тан олишга асосланади. Умумхалқ ҳуқуқий давлати қандай бўлмасин бирон синфнинг диктатурасини, айниқса бошқарувчи бюрократиянинг ҳокимиятини истисно этади ва у барча гражданларнинг давлат ишларида қатнашишига ҳамда ҳар қандай лавозимларни эгаллашига имконият таъминлаб берадиган Советлар Республикасидир.

Бизда авторитар системадан демократик система сари муҳим қадамлар ташланди, янги қоидалар ва ёндашувлар асосида ҳокимиятнинг олий органлари тузилди. Энди барча давлат органлари структурасини қайта қуришни, ҳокимиятни Советларга топширишни ва совет федерациясини тубдан ўзгартиришни охирига етказиш керак.

**Сайлов системаси.** Уни умумий тенг тўғри сайлов ҳуқуқи принципларига батамом мувофиқлаштириш керак. Биз сайлов жамиятдаги барча қатламларнинг вакиллари, шахслар ҳамда партия, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, айрим номзодлар сайловчилар муҳокамасига олиб чиқадиган ғоялар ҳалол мусобақалашадиган майдон бўлишига тарафдормиз. Партия депутатлар корпусида, давлат органларида ишчи ва деҳқонларнинг, хотин-қизлар, ёшларнинг, ветеранларнинг ва жамиятдаги сиёсий ҳаётга етарлича жалб қилинмаган ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қўллаб-қувватланишга муҳтож бўлган бошқа қатламлар ва гуруҳларнинг муносиб вакиллигини таъминлашга ҳаракат қилади.

**Демократия ва сиёсий фикрлар хилма-хиллиги.** Жамиятимизни демократиялаш даврида гражданларнинг янги ижтимоий-сиёсий уюшмалари вужудга келмоқда. Жамиятнинг ривожланиши партиялар тузилиши мумкинлигини ҳам истисно этмайди. Уларни тузиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади ва СССР Конституциясида тегишли суратда акс эттирилади. Шу билан бирга зўравонликни, миллатлараро адоватни тарғиб қиладиган, Конституцияга қарши, экстремистлик мақсадларини кўзлайдиган ташкилот ва ҳаракатларни тузиш ҳамда уларнинг фаолияти қонун билан тақиқлаб қўйилмоғи керак.

КПСС монополияни даъво қилмайди ва социалистик жамиятни янгилашни ёқлаб чиқаётганларнинг ҳаммаси билан сиёсий мулоқот ҳамда ҳамкорлик қилишга тайёр. Принципиал маънода бизнинг нуқтаи назаримиз шундан иборатки, жамиятнинг демократиялашув даражаси, давлат ва жамоат муассасаларини тузиш ва улар ишининг демократик характери, гражданларнинг сиёсатга тортилиши, қайта қуриш жараёнининг оғишмай ривожланиб бориши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ҳозир КПСС — жамиятни демократиялашга ҳар томонлама ёрдам бериб, айни вақтда улкан ранг-баранг мамлакат кўламида жипслаштирувчи роль ўйнаётган ҳақиқий сиёсий кучдир.

**Халқ депутатлари Советлари.** Олдимизда турган даврнинг энг муҳим вазифаларидан бири шундан иборатки, Советлар халқ иродасини изчиллик билан ифода этадиган ҳамда давлатни бошқариш воситаларини ўз қўлларида жамлайдиган ҳақиқатан ҳам тўла ҳокимиятли органларга айланмоқда. Бунинг учун улар тегишли ҳуқуқларга, иқтисодий мустақилликка эга бўлишлари ва кучли, билимдон депутатлар корпусига таянишлари керак.

Сиёсий ислоҳот чуқурлашиб борган ва бошқариш марказдан жойларга кўчирилган сари КПСС ўзини-ўзи бошқарувчи жамоаларнинг қарор топиши ва ривожланишига ёрдам беради. Бу нарса юқори органларга ўзларининг ҳозирги кўпгина оператив-хўжалик вазифаларидан халос бўлишларига, иттифоқдош республикалар, регионлар, бутун мамлакат кўламида комплекс вазифаларни ҳал қилишга эътиборни қаратишларига имкон беради.

**Давлат ҳокимияти.** КПСС ҳокимият вазифаларини — қонун чиқариш, ижро этиш ва суд вазифаларини бир-биридан ажратиш бошқарувнинг самарадорлиги учун муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди. Ленин сўзлари билан айтганда, биз совет системасининг афзалликларини парламентаризм ютуқлари билан боғлашимиз керак. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Бироқ, қайта қуриш тажрибаси давлат органларининг масъулияти ва ҳуқуқ доираларини янада аниқроқ белгилаб қўйиш зарурлигини тақозо этмоқда.

СССР халқ депутатлари Съезди ва Олий Совети пировардида ҳал қилувчи роль ўйнагани ҳолда қайта қуриш сиёсатини рўёбга чиқаришнинг қабул қилинган қонунларни бажаришнинг ишончли ва самарали механизми зарур. Янги олий ҳокимият органларининг иш тажрибаси ҳозирча бундай механизм шаклланиш босқичида турганлигини кўрсатмоқда. Жамиятда СССР халқ депутатлари Съезди олдида масъул бўлган ҳамда зарур ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат бошлиғи — президент лавозимини таъсис этиш масаласи борган сари қатъият билан қўйилмоқда. Буни мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, қайта қуришга янада жўшқинлик бахш этиш ва унинг орқага қайтмаслиги кафолатларини мустаҳкамлаш, қонунийликни ва гражданларнинг хавфсизлигини демократиялаш жараёнида барча давлат ва жамоат муассасаларининг нормал ва самарали ишлашини таъминлаш, СССР манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз номидан вакиллик қилиш эҳтиёжлари талаб қилмоқда.

СССР Министрлар Советининг мавқеини ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш зарур.

СССР Олий Советининг аъзолари ва ҳукумат аъзолари бўлган коммунистлар янада қатъият ва масъулият билан иш олиб бориб, мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодий танглики енгиш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилишига ҳаракат қилишлари керак.

**Давлат ва хўжалик аппарати.** Бу соҳани ҳам анчагина қайта қуришни амалга ошириш, унга, бизнинг назаримизда, аппаратнинг албатта вакиллик органлари ва жамоатчилик назорати остида бўлишини, унинг оқилона етарлилигини ва омилкорлигини, асосий тартиб-қоидаларнинг ошкоралигини, махфийлик чекланишини асос қилиб олиш зарур. Советларнинг янги состави сайланганидан кейин аппаратни янгилаш мақсадга мувофиқдир.

**Одил судлов ва жамоат тартибини сақлаш.** Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўриш керак. Шахснинг кимлигидан қатъи назар, барчанинг қонунга риоя қилиши давлат органлари, жамоат ташкилотлари фаолиятининг, мансабдор шахслар ва гражданлар хулқ-атворининг зарур қоидасига айланиши керак. Партия суд ва прокуратуранинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот кафиллари сифатидаги мустақиллигини янада мустаҳкамлашни ёқлайди.

Олдимизда **суд-ҳуқуқий ислоҳотни** амалга ошириш, энг аввало қонунбузарликнинг кучайиши тенденциясини тўхтатиш, жиноятчилар, ўғрилар ва қотиллар, порахўрлар ва давлат мулкини ўғирловчилар, таъмагирлар, пинҳона иқтисодиёт корчалонлари, чайқовчилар, зўрлик қилувчилар, безорилар муқаррар жазоланишини таъминлаш учун юксак самарали одил судловни вужудга келтириш соҳасида жуда катта ишлар турибди.

Биз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар — судлар, прокуратура, терговаппарати, милиция ходимларининг профессионал тайёргарлигини, нуфузини, моддий таъминотини анча кўтариш муҳим деб ҳисоблаймиз. Вазият айбсизлик презумпциясига, ҳимояланиш ҳуқуқига ва одил судлов қоидаларига қатъий амал қилиб, жиноятчиликка қарши курашда қонунда кўзда тутилган барча воситаларни қўллашни талаб қилмоқда.

Хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтиш, хусусан шартнома муносабатларини кенг жорий этиш давлат ҳакамлиги хизматини яхшилашни, халқ хўжалигини адлия кадрлари билан мустаҳкамлашни, аҳолига ҳуқуқий тарбия беришнинг бутун системасини қатъий такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

**Мудофаа.** Бизнинг янгича фикрлашимиз мамлакат хавфсизлигини сиёсий воситалар билан таъминлаш мумкинлигини анча кенгайтирди. Бироқ ҳозирча дунё ҳарбийлаштирилган ва унда қуролли низолар чиқиши мумкин экан, уруш хавфи бартараф этилмаган экан — бизга ишончли мудофаа қобилияти керак.

Партия Ватан олдида жуда катта хизматлари бўлган армия ва флотимиз ҳозирги шароитда ўз олдиларида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қила оладиган бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди. Бунинг учун янги мудофаа доктринаси ва оқилона етарлилик принципи асосида **ҳарбий ислоҳот** сари иш олиб бормоқ керак. Ҳарбий қурилиш сифат кўрсаткичларига қаратилганлиги сабабли кадрлар составининг профессионализмини бутун чоралар билан ошириб бориш, армиямиз билан ўз тақдирини боғлаган кишиларнинг шон-шараф кодексини унинг шонли анъаналарига муносиб даражага кўтариш керак. Партия ҳарбий хизматнинг нуфузи ошиб боришига, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари социал ҳимояланиши мустаҳкамланишига ва маиший шароитлари яхшиланишига эришиб бораверади.

Ҳуқуқий давлат мудофаа соҳасига амалий сиёсий раҳбарликни, ҳарбий маҳкаманинг олий ҳокимият органлари назорати остида бўлишини, айни вақтда давлатлар ўртасида эришилган ишонч даражасига мувофиқ равишда унинг фаолияти мумкин қадар ошкора бўлишини тақозо этади.

КПСС саноатнинг мудофаа тармоқларида тўпланган имкониятни граждан ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун сақлаб қолган ҳамда кўпайтирган, қуролли кучлар учун ишлаб чиқарилаётган техниканинг сифати пасайиб кетишига йўл қўймаган ҳолда мудофаа тармоқлари соҳасини ўзгартириш программасини қўллаб-қувватлайди.

**Ички хавфсизлик.** Давлат чегараларини қўриқлаш, чет эл разведкаларига қарши туриш, совет конституцион тузумини ва гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — шуларнинг барчаси мураккаб ва баъзан хавфли вазифани адо этаётган чегара ва ички қўшинлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш вазифасини зиммамизга юклайди. Ҳозирги шароитда жамоат тартибини сақлашнинг ҳаётий муҳим воситаси бўлиб қолаётган ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари фақат қонун доирасида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари назорати остида иш олиб боришлари зарур.

**Ҳуқуқий давлат ва ўзини ўзи бошқарувчи жамият.** Партия ҳуқуқий давлатни шакллантириш — нисбатан узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бу жараёнда давлат органларининг тегишли структураси, қонунларнинг яхлит системаси вужудга келади, демократияга тажовуз қилишларга ва ўзбошимчаликка қайтиш йўлидаги уринишларга қарши кафолат бўлиб хизмат қиладиган анъаналар тўпланиб боради, деган фикрга асосланиб иш тутади. Ҳуқуқий давлатнинг қарор топишида сиёсий маданиятни ривожлантириш жуда катта роль ўйнайди.

Барча ижтимоий жараёнлар қанчалик кўпроқ иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар билан тартибга солинса, давлатнинг мажбур қилиш усулларини қўллашга эҳтиёж аста-секин қисқариб борса, социализм ва демократия принциплари шунчалик аниқ ва пухта рўёбга чиқиши мумкин. Ўзини ўзи бошқарувчи жамиятнинг шаклланиши халқнинг жуда кучли ижодий қудратини очиш имкониятини беради.

**СССРнинг янги Конституцияси тўғрисида.** Жамиятимизнинг тубдан янгиланиши Совет давлатининг янги асосий Қонунини яратиш масаласини ўртага қўйди. Янги Конституцияни қабул қилиш ишини фаолроқ олиб бориш тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз.

## V. Янги федерация сари

**КПССнинг ҳозирги босқичдаги миллий сиёсати.** Қайта қуришнинг тақдири, мамлакатнинг келажаги миллатлараро муносабатлар қандай таркиб топишига жуда боғлиқдир.

Биз Октябрь туфайли мамлакатимиз ҳаётига кирган буюк ва муносиб ишларни — Россия империясининг мустамлака чекка ўлкалари ҳолатида бўлган кўпгина халқларнинг жипслашуви ва ўз давлатларига эга бўлишини, уларнинг қолоқлигига барҳам берилганлигини, миллатлараро алоқанинг янги қадриятларини, буюк жаҳоншумул давлатга тенг ҳуқуқли мансублик туйғусини йўққа чиқариш йўлидаги уринишларни қатъиян рад этамиз. Айни вақтда ленинча миллий сиёсатни бузиш кўп миллатли давлатимиз халқларига анча азоб-уқубат ва маҳрумликлар келтирди. Объектив кўчиб юриш ва демография жараёнларида ҳам жиддий муаммолар тўпланиб қолди.

Партия мана шу соҳада вужудга келган қийинчиликлардан қутулишнинг бош йўли иқтисодий ва сиёсий ислоҳотни изчиллик билан амалга оширишдан, давлат тузилишининг сталинча, аслини олганда унитар моделидан қатъиян воз кечишдан, федерализм принципини тўла-тўкис ва изчиллик билан рўёбга чиқаришдан иборат деб билади.

Миллатларнинг ривожланиши ва миллатлараро муносабатлар масалаларига бизнинг ёндашувимиз КПССнинг «Ҳозирги шароитда партиянинг миллий сиёсати» дастурида баён қилиб берилган. Бу дастурга қуйидаги муҳим принциплар асос бўлган: мамлакатнинг бутун территориясида ҳар қандай миллат гражданининг ҳуқуқларига ҳеч сўзсиз риоя қилиш: иттифоқдош республикалар мустақиллигини реал суратда бойитиш ва миллий автономия барча турлари мустақиллигининг янги даражасига эришиш; муштарак мақсадларга эришиш учун ўз ҳуқуқларининг бир қисмини ихтиёрий суратда Иттифоққа берадиган эркин ва тенг ҳуқуқли республикаларнинг федерацияси сифатида мамлакатнинг яхлитлигини сақлаб қолиш.

**Миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаши.** Янгиланган совет федерациясида миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши принципи миллий-давлат тузилмаларининг турмушни ташкил этиш шаклларини, давлат институтлари ва рамзларини танлаб олишда эркинликни тақозо этади. Бизнинг олий мақсадимиз бир хиллик эмас, балки хилма-хиллик орқали бирликка эришишдир.

Партия миллатларнинг ажралиб чиқишгача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг ленинча принципига содиқ эканлигини тасдиқлайди ва бу ҳуқуқни рўёбга чиқариш механизми ҳақидаги қонуннинг қабул қилинишини ёқлайди. Айни вақтда биз ишонамизки, ўзаро хилма-хил ва бир-бирига ўтиб турувчи алоқаларнинг кучсизлантирилиши ва айниқса бузилиши барча халқлар учун олдиндан айтиб бериш қийин бўлган салбий оқибатларга олиб келган бўлур эди, одамларнинг тақдири ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу сабабли биз кўпмиллатли катта демократик давлатни бузишга олиб борадиган ажратувчилик шиорлари ва ҳаракатларига қатъиян қаршимиз.

**Иттифоқ ва иттифоқдош республикалар.** Совет федерациясини ўзгартириш миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга, иттифоқдош республикалар билан уларнинг муштарак тузилмаси бўлмиш иттифоқ ўртасида оқилона алоқалар ўрнатишга қаратилмоғи керак.

КПСС иттифоқ тузилишининг шартнома принципини ривожлантириш зарур деб ҳисоблайди. Бундай қилиш юз берган катта ўзгаришларни акс эттириш, миллий тараққиёт ва миллатлараро муносабатларга доир муаммоларнинг бутун мажмуига янгича ёндашувларни гавдалантириш имконини берган бўлур эди. Аниқ белгилаб қўйилган вазифалар ихтиёрий суратда Иттифоққа берилганда иттифоқдош республикаларнинг мустақил давлатлар сифатидаги мавқеи кучайиб, конституцион кафолатларга эга бўлади.

Республикалар иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмасалар уларнинг реал суверенитети ҳам бўлиши мумкин эмас. Бироқ ҳозирги иқтисодиёт юқори даражада иш олиб борувчи марказсиз ишлай олмайди. Марказнинг федерацияга кирувчи республикалар, халқларнинг туб манфаатларидан фарқ қиладиган ўзига хос манфаатлари йўқ.

Бунда Иттифоқ билан республикаларнинг ҳуқуқ доиралари, шу жумладан планлаштириш, бюджетни шакллантириш, солиқ ва кредит ишидаги, нарх белгилаш соҳасидаги ҳуқуқ доираларини аниқ белгилаб қўйиш керак. Барча республикалар ва регионларнинг корхоналари ўртасидаги бевосита шартнома алоқалари, шаклланиб келаётган умумиттифоқ бозори интеграция жараёнларининг, федерациямизни янгилаш ва мустаҳкамлашнинг иқтисодий негизи бўлиши керак.

Республикаларнинг марказ билан муносабатлари ҳамда республикаларнинг ўзлари ўртасидаги муносабатлар улардан ҳар бирининг ўзига хос томонларини — географик ҳолатини, тарихий ривожланиш йўлларини, давлатнинг шаклланишини, мамлакатда таркиб топган ишлаб чиқарувчи кучлар жойлашишининг ролини, иқтисодиётнинг характери ва даражасини, уларда яшаётган халқларнинг руҳияти ва урф-одатларини ҳисобга олмоғи керак.

**Автоном тузилмаларни ривожлантириш.** Совет федератив давлатини такомиллаштириш автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округларнинг суверенитетини мустаҳкамлашни, ҳуқуқларини кенгайтиришни, уларнинг иқтисодий, социал ва маданий ҳаётнинг йирик масалаларини мустақил ҳал қилиш имкониятларини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Партия бунга ҳамиша эътибор билан қарайди.

**Миллатларнинг ҳуқуқлари ва шахснинг ҳуқуқлари.** Кўчиб юриш жараёнлари ҳамда аввалги тараққиётдаги бузилишлар натижасида айрим халқлар учун ўз тарихий ватанларида ўзига хос жиҳатлардан маҳрум бўлиш хавфи туғилди. Шу сабабли ҳар бир республиканинг она тилини, маданий-этник хусусиятларини ва миллий маънавий қадриятларини, турмуш укладининг ўзига хослигини, демографик структурасини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирлар адолатлидир.

Шу билан бирга бундай чора-тадбирлар республикада яшаётган бошқа миллат гражданларининг манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳисобидан амалга оширилмаслиги керак. Ирқчилик, шовинизм, миллатчилик социализм принципларига, мамлакат қонунларига ҳам, халқаро нормаларга ҳам зиддир. Бирорта ҳам халқ, у қанчалик оз сонли бўлмасин, ўз маданияти, тилини, ўзининг асрлар давомида таркиб топиб келган бетакрор қиёфаси ва хулқ-атворини йўқотмаслиги керак. Биз жам бўлиб яшаётган миллий гуруҳларга ўз ижтимоий, маърифий, диний ва бошқа уюшмаларини тузиш, маданий ва ахборот органлари, мактаблар, диний иншоотларга эга бўлиш имкониятини бериш тарафдоримиз.

Умумдавлат миқёсида кам сонли халқларга, уларнинг ўзига хос ҳаёти ва тараққиётига нисбатан алоҳида ғамхўрлик қилинмоғи керак.

КПСС — барча халқларнинг она тилидан эркин фойдаланиш, уни миллий — давлат автономияси доирасида давлат тили деб эълон қилишдан иборат шак-шубҳасиз ҳуқуқини ёқлайди. Рус тили умумдавлат эҳтиёжларини, шу жумладан Совет Иттифоқининг ташқи сиёсий фаолиятида ҳам эҳтиёжларни таъминламоқда, миллатлараро муомала воситаси бўлмоқда, унга мамлакатнинг бутун территориясида расмий тил мақомини бериш мақсадга мувофиқдир.

Байналмилалликка содиқ бўлган коммунистлар учун мамлакатдаги барча халқларнинг манфаатлари баб-баравар қадрлидир. Барча миллат кишиларини бирлаштирувчи партиянинг мавқеи ана шу сиёсий имкониятдан миллатлараро низолар ва тўқнашувларни бартараф этиш учун фойдаланиш имконини беради ва шундай фойдаланиш вазифасини юклайди. Биз ана шу йўсинда ҳаракат қилиш ниятидамиз.

## VI. Инсониятнинг тинч ривожланиши сари

**Янгича тафаккур, янгича ташқи сиёсат.** Қайта қуришни бошлаб ва у туфайли жаҳондаги бутун вазиятда чуқур ўзгаришлар келтириб чиқариб, янгиланиш натижасида бизнинг давлатимиз қандай бўлишини белгилаб, биз инсоният олдида ўз зиммамизга жуда катта масъулият олдик. Бутун дунё XXI асрга қандай кириб бориши СССРдаги қайта қуришнинг муваффақиятига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида халқаро муносабатларни тубдан соғломлаштириш, жаҳон тараққиётида тинчлик даврига чиқиб олиш совет халқининг ҳаётий манфаатларига мос келади, қайта қуришнинг тараққий этишига ёрдам беради.

Янгича тафаккурга асосланган ташқи сиёсат ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижалар берди. Дунё тарафкашлик кишанларидан озод бўлиб бормоқда. Янги жаҳон сиёсатига муҳтож бўлган ҳозирги замон цивилизациясининг яхлитлиги равшанроқ бўлиб қолди. «Совуқ уруш» тўхтатилди. Жаҳон ҳарбий тўқнашуви хавфи чекинди. СССР билан АҚШ ўртасида янгича муносабатлар сари ижобий бурилиш юз берди. Амалий қуролсизланиш йўлидан дастлабки шаҳдам қадамлар қўйилди. Мулоқот, музокаралар халқаро муносабатларнинг устунлик қилувчи шаклига айланмоқда. Маҳаллий низоларни бартараф этишда сиёсий усуллар устун бўлиб қолмоқда.

Янгича тафаккур ва янгича ташқи сиёсат Совет Иттифоқини хавфсиз ҳамда маърифатли жаҳон тартиботини қуришнинг олдинги маррасига олиб чиқди. Биз ижтимоий-сиёсий йўлни эркин танлаш тарафдоримиз. Мана шу принцип манфаатлар мувозанати принципи билан бирга бошланиб келаётган давр учун универсал принцип бўлиб қолмоғи, уни зўравонликдан ва урушқоқлик тафаккуридан халос қилмоғи керак. Бизнинг узоқ муддатга мўлжалланган ташқи сиёсий йўлимиз жаҳон мамлакатлари билан ўзаро манфаатли тенг ҳуқуқли алоқалар ва мулоқотларнинг кенг қамровли соҳаларини; иттифоқчи давлатлар ва ЎИЕКка аъзо бўлган мамлакатлар билан ҳамкорликни янгилаш ва ривожлантиришни; Европада юз бераётган жараёнда, «Умумевропа хонадонини» қуришда ташаббускорлик билан иштирок этишни; Осиё-Тинч океан регионини тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантириш мақсадида бу ерда фаол иш олиб боришни; БМТнинг янги очилган имкониятларини рўёбга чиқаришда унга ҳар томонлама ёрдам беришни; маҳаллий низоларни сиёсий бартараф этишда «холис хизмат» қилишни; ташқаридан бўладиган ҳар қандай аралашишга қарши ўз мустақиллигини ҳимоя қилаётган халқлар ва давлатлар билан бирдамликни ўз ичига олади.

Жаҳон ҳамжамиятини ҳарбийсизлантириш мақсадида бизнинг йўлимиз қуйидагиларни назарда тутади: ядро қуролини батамом тақиқлаш ва босқичма-босқич тугатиш, ҳамма ерда уни синашни тўхтатиш; кимёвий қуролларни ва уларни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ва тугатиш; ҳужумкор урушларнинг моддий имкониятларини бартараф этиш йўлидан бориб оддий қуроллар ва қуролли кучларни кескин қисқартириш; чет давлатларнинг барча қўшинларини бошқа давлатларнинг территорияларидан олиб чиқиб кетиш, у ерлардаги ҳарбий базаларни тугатиш; космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик; ҳарбий иттифоқларни (то улар тугатилгунига қадар) умумий хавфсизлик ва халқаро барқарорликка хизмат қилувчи мудофаа-сиёсий уюшмаларга айлантириш; ҳарбий бюджетларни кўп миқдорда қисқартириш ва ҳарбий саноатни тинч маҳсулот ишлаб чиқаришга кўчириш; ерда, денгизда, осмонда ва космосда ўзаро ошкоралик сари аста-секин яқинлашиб бориш; ҳарбий фаолиятни ҳамда шартномаларга риоя қилишни самарали назорат остига олиш.

Партия инсоният тараққиётида тарихан орқага буриб бўлмайдиган тинч даврга олиб борувчи ана шундай сиёсатгина Совет давлатининг ҳозирги вақтдаги ва келажакдаги ҳақиқий манфаатларига мос келишига қатъий ишонади.

**Халқаро ҳамкорликнинг янги сифати сари.** Халқлар яшаб келаётган давлатларнинг суверенитети шубҳасиз бўлгани ҳолда уларнинг тақдири ҳозир ҳар қачонгидан кўра маҳкамроқ чирмашиб кетган. Бу ҳол жаҳон сиёсати олдига шу пайтгача бўлганига қараганда мутлақо бошқача талаблар қўймоқда. Унинг амри инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал қилишда бутун дунё ҳамжамиятининг куч-ғайратларини бирлаштиришдан иборат бўлиб қолмоқда.

Давлатларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билангина очлик, қашшоқлик, оммавий эпидемиялар, гиёҳвандлик, халқаро терроризмни енгиш, дунёнинг турли қисмлари ривожидаги тангликка олиб келувчи номутаносибликлар кучайишини тўхтатиш мумкин. Биргаликда ҳаракат қилиш билангина экология соҳасидаги ҳалокатнинг олдини олиш мумкин, бундай ҳалокатнинг даракчилари ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма қитъаларда кўриниб қолди. Фан-техника ҳамкорлиги йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, жаҳон хўжалигини ҳақиқатан ҳам жаҳон хўжалигига айлантиришгина цивилизациянинг тинч ривожланиши учун моддий пойдевор яратади. Янги даврнинг ана шу мақсадлари сари бориш халқаро ҳамкорликнинг мутлақо бошқа даражада бўлишини талаб қилмоқда. Бу соҳада БМТнинг роли беқиёсдир. Биз маҳаллий, қитъалараро, регионал, халқаро кўламдаги барча прогрессив ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз.

Жаҳон ҳамжамиятининг яшаш қобилияти ривожланиш варианти кўплигидадир, у хилма-хил қиёфага: миллий, маънавий, ижтимоий, сиёсий, географик, маданий қиёфага эгалигидадир. Цивилизациянинг умумий тараққиёти оқимида — биз бунга аминмиз — социализм ғоялари қайтадан дунёга келади ва борган сари катта таъсирга эга бўлиб боради. Шарқий Европада юз бераётган мушкул воқеалар — улар ҳар бир мамлакатда ўз хусусиятларига эга бўлишига қарамай — «совуқ уруш»нинг ғоят ноқулай шароитларида ҳамда миллий омилни етарли даражада ҳисобга олмасдан социализм учун курашда вужудга келган салбий тажрибани азоб билан, танглик билан бартараф этишдир.

Шарқий Европа давлатларида юз бераётган ўзгаришлар уларнинг халқларига бўлган дўстона муносабатларимизни буза олмайди. КПСС у ерда бошланган ислоҳотлар, СССРдаги қайта қуриш сингари, ихтиёрий ўзаро манфаатли алоқалар учун янада табиий ва мустаҳкам замин яратишига умид боғлайди.

**КПСС** коммунистик ва ишчи партиялари, социалистик ва социал демократик, либерал ва миллий демократик партиялар билан, тинчлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт заминида турган барча ташкилотлар ва ҳаракатлар билан **ҳамкорлик қилиш учун очиқдир.**

Қайта қуриш социалистик ҳаракатдаги тарихий ажралишни бартараф этиш, ҳозирги босқичда бу ҳаракатни жаҳоншумул ҳаракат сифатида қайта дунёга келтириш учун имконият яратиб берди. Янги дунё ва социал тараққиёт йўлларини излашда сўл кучларнинг жипслашиш истиқболи кўзга ташланмоқда ва КПСС буни маъқуллайди.

## VII. Партияни янгилаш сари

Партиянинг ўзи тубдан қайта қурилмаса, у пешқадамлик позициясини сақлаб қола олмайди, ўзи бошлаган ва халқ қўллаб-қувватлаган ишни мана шу кескин бурилиш даврида давом эттира олмайди.

Авторитар режим партияга, унинг жамиятдаги ролига ва иш методларига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатди. Ҳокимиятнинг аслида партиявий-давлат структураси таркиб топди. Партия ички турмушида бошланғич ташкилотлар билан раҳбар органлар ўртасидаги муносабатлар бузилди, коммунистлар партия сиёсатини шакллантиришдан четда қолишди, юқори партия комитетлари фаолиятига суст таъсир кўрсатишди. Ортиқча марказлаштириш, эркин фикрни бостириш, репрессиялар катта зарар келтирди. Ғоявий ва ахлоқий бузилиш ҳоллари партия обрўсига жуда катта зарар етказди.

Шундай бўлсада, кенг партия оммаси орасида ленинча буюк мақсадларга садоқат, беғаразлик, халққа хизмат қилишда фидокорлик сақланиб қолди. КПССда ҳамиша жўшқин кучлар бўлди ва иш олиб борди, худди шунинг учун ҳам у сталинчилик ва турғунлик ҳолатини бартараф эта олди, революцион бурилишга бошчилик қилди ва бу билан ўзининг етакчилик ролини бажариш қобилиятини яна бир бор исботлади.

Юзага келган вазифалар кўламининг кенглиги ва янгилиги КПССнинг жамиятдаги мавқеини принципиал ўзгартириш, айбсизлик даъвосидан, сиёсий монополизмдан воз кечиш зарурлиги ҳақидаги масалани жиддий қилиб қўйди. Бунда жамиятдаги ўзгаришлар суръати партияни ўзгартиришда жадал суръатлар бўлишини талаб қилмоқда — акс ҳолда у сиёсий ҳаёт чеккасига суриб қўйилиши хавфи остида қолади. Бу вазиятни партиявий омма жиддий тарзда англаб турибди: **партияни ислоҳ қилиш, уни чуқур қайта қуриш** масаласи тобора қатъий қилиб қўйилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий-сиёсий ташкилот, маслакдош коммунистларнинг кўнгилли иттифоқидир. Биз янгиланган КПССни социалистик йўлдаги партия деб тасаввур қиламизки, у ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодалаб, ўз сиёсатини янги воқеликни илмий таҳлил қилиш асосида, XX асрдаги бутун ижтимоий тафаккур ва тарихий тажрибага татбиқан Маркс, Энгельс, Ленин меросини ижодий ривожлантирган тарзда қуради.

КПСС ўз назарияси ва практикасида Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг демократик ва инсонпарварлик анъаналарига таянади. Партия миллий ва байналмилал негизларни узвий равишда қўшиб олиб борар экан, шовинизмга, миллатчиликка ва ирқчиликка, реакцион идеология ва жаҳолатпарастликнинг бошқа ҳар қандай кўринишларига муросасиздир. У ўз ғоявий-сиёсий ва ташкилий асосларини рад этадиган, социализмга қарши, миллатчи, Советларга қарши ташкилотлар ва ҳаракатларда қатнашувчилардан ўз сафларини тозалайди.

**Янгиланаётган жамиятда КПССнинг ўрни ва роли.** КПСС демократик жараён доирасида ҳукмрон партия мавқеини сақлаб қолиш йўлида ўз сиёсатини ўтказади ва кураш олиб боради, марказда, республикаларда, жойларда раҳбар органларни тузиш учун халқ мандатини олиш йўлида сайловларда сайловчиларнинг овозини олишга ҳаракат қилади.

Бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва оммавий ҳаракатлар сингари КПСС давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашади, халқ депутатлари Советларига ва бошқа давлат органларига ўз вакилларини номзод қилиб кўрсатади. Партия давлат ҳокимияти ваколатларини ўз зиммасига олмайди. Унинг роли — афзалликларга ҳамда СССР Конституциясида ўзининг алоҳида мавқеининг мустаҳкамлаб қўйилишига даъво қилмаган ҳолда, коммунистлар орқали ҳаракат қилувчи, демократик асосда тан олинган сиёсий раҳбар бўлишдан иборат. Шу муносабат билан партия мамлакат Асосий қонунининг 6-моддаси юзасидан Қонун лойиҳаларини таклиф қилиш ташаббуси тартибида СССР халқ депутатлари съездига тегишли таклиф киритиш зарур, деб ҳисоблайди.

КПСС марксизм-ленинизм принципларига асосланиб, омма орасида ғоявий-сиёсий иш олиб боради, ўз сиёсати ва программавий мақсадларини тарғиб қилади, социализмнинг инсонпарварлик қадриятларини ёяди, қайта қуриш вазифаларининг амалга оширилишини тарғиб қилади.

КПСС ўзига хос бўлмаган вазифалардан холи бўлиб, ўз куч-ғайратларини назарияни, ҳаракат программаларини ишлаб чиқишга, ташкилотчилик ва тарбиявий ишга, кадрларга оид партия сиёсатини амалга оширишга, жамиятни революцион янгилаш йўлида уни жипслаштириш вазифаларини ҳал этишга қаратиш имконини олади.

(Давоми учинчи бетда).

